



6 · июн

2016 yil.

№ 36

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари  
фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Конуни ижроси тўғрисида

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг фаолияти тўғрисида расмий веб-сайтга жойлаштириладиган ахборотлар рўйхати 2-иловага мувофик тасдиқланисин.

2. Барча бошқарма ва бўлим бошлиqlари масаланинг тегишлілигига қараб, ушбу буйрукнинг 1- ва 2-иловалари билан тасдиқланган ахборотларни белгиланган тартибда ва ўз муддатларида тақдим этиб бориш учун масъул этиб белгилансин.

3. Конунинг 6-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб кўйилган ахборотлар рўйхати 2015 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ахборотлаштириш объектларидаги махфий ахборотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 66-сонли буйруги билан тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

4. Ишлар бошқармаси (Р. Сабиржанов) ушбу буйрукни марказий аппаратнинг барча бўлинмалари ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларга етказилишини таъминласин.

5. Ахборот хизмати (Ш. Мансуров) Конунинг 14-моддасига мувофиқ, вазирлик фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг матнларини тайёрлашни, Ишлар бошқармаси (Р. Сабиржанов) ушбу ахборотлар акс эттирилган стендни вазирлик биносининг барча учун кўринадиган жойига ўрнатилишини таъминласин.

6. Мазкур буйрукнинг ижросини назорат килишни ўз зиммамда колдираман.

Вазир

Г. Сайдова

(



Иқтисодиёт вазирлигининг  
2016 йил “6” июндан “36”-сон бўйругига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг  
фаолияти тўғрисидаги ахборотлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг (кейинги ўринларда вазирлик деб юритилади) таркибий бўлинмалари ва тасуруфидағи ташкилотларнинг хукукий мақомини белгиловчи норматив-хукукий хужжатлар;
2. Вазирлик томонидан қабул килинган норматив-хукукий хужжатлар ҳамда бошқа норматив хужжатлар, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар;
3. Вазирлик томонидан қабул килинган норматив-хукукий хужжатларга, норматив ва бошқа хужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу хужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;
4. Вазирлик томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-хукукий хужжатларнинг ва бошқа норматив хужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;
5. Вазирлик томонидан Давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;
6. Вазирлик томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
7. Вазирликнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;
8. Амалга оширилишида вазирлик иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;
9. Вазирликнинг фаолияти соҳасига тааллукли бўлган тармоқ (худуд)нинг ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳакидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;
10. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
11. Вазирликнинг очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой, вакт ҳамда мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

*Эслатма: Вазирликнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мкин.*

Иқтисодиёт вазирлигининг  
2016 йил “6” июндаги “36”-сон буйругига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг  
расмий веб-сайтига жойлаштириш мажбурий бўлган ахборотлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг (кейинги ўринларда вазирлик деб юритилади) расмий веб-сайтига қуидаги ахборотлар жойлаштирилади:

вазирликнинг хукукий макомини, шу жумладан вазирликнинг таркибий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, вазифалари ва функцияларини белгилайдиган норматив-хукукий хужжатлар;

вазирлик томонидан қабул қилинган норматив-хукукий, норматив ва бошқа хужжатлар;

вазирлик томонидан қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни ўз кучини йўқотган, деб хисоблаш тўғрисидаги маълумотлар;

вазирлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

вазирлик томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, иғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра сухбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборотлар;

вазирликнинг бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

вазирлик иштирок этадиган халқаро шартномалар тўғрисидаги ахборотлар;

вазирлик фаолияти соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга қабул килиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

расмий веб-сайтнинг ахборот материалларидан фойдаланишида унга ҳаволалар мажбурий кўрсатилиши тўғрисидаги талаблар;

вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган норматив хужжатлар лойихалари тўғрисидаги маълумотлар;

вазирлик томонидан ўтказиладиган мажлислар унинг кун тартиби, шунингдек сана, вакт, ўтказиш жойи ва уларда қатнашиш тартиби кўрсатилган ҳолда очик мескалар ўтказиш режалари;

вазирлик расмий веб-сайтда жойлаштириш зарур, деб хисоблайдиган бошка умумий фойдаланиладиган ахборотлар ва маълумотлар.

2. Вазирлик томонидан расмий веб-сайт оркали кўрсатиладиган базавий ахборот хизматлари рўйхатига қўйидагилар мажбурий тартибда тақдим этилади:

вазирлик раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, фуқароларни қабул қилиш кунлари);

вазирликнинг таркибий бўлинмалари (шу жумладан, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўлинмалари)нинг телефон ракамлари ва манзилли реквизитлари (почта, электрон манзили ва бошқалар), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги ахборотлар, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг ракамлари, кириш йўллари, тўхташ жойлари ва жамоат транспорти ракамлари тўғрисидаги маълумотлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва бошка мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

вазирликнинг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ва ахборот кишинишидаги шарҳлар, йил чораги ва йиллик хисоботлар, шунингдек тармокнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар;

вазирлик раҳбарлари расмий нутқлари ва баёнотларининг матнлари;

Интернет тармоғидаги бошка тегишли веб-сайтларга ва Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталига ҳаволалар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хисоботлари, хатлари, аризалари, шикоятлари ва мурожаатларининг бошка шаклларини қабул қилиш (электрон-ракамли имзодан фойдаланишга қараб);

вазирликнинг матбуот хизмати (масъул ходимлар билан алоқага киришиш) тўғрисидаги маълумотлар;

электрон почта оркали ҳамда эълонлар ва янгиликларни етказиб беришнинг оммавий автоматлаштирилган форматлари оркали расмий веб-сайтни янгилашга ёзилиш имконияти;

вазирликнинг «Электрон хукумат» тизимида қатнашиши, унинг роли ва қатнашиши хусусияти, шунингдек ушбу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар (қандай давлат хизматлари кўрсатилади, қандай маълумотлар айирбошланади ва шу кабилар) тўғрисидаги маълумотлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг тез-тез бериладиган саволларига жавоблар.

3. Расмий веб-сайтда бошка манбалардан ахборотларни жойлаштиришга факат ахборот манбай кўрсатилган тақдирдагина йўл қўйилади.